ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
O'.K.U.F. F.T.U.U.

# Ishonch

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 26 июн
сешанба № 78 (2335)

## 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

***Жамиятдаги жараёнлар тезлашган бир даврда журналистлар елкасидаги масъулият янада залворли бўлиши аниқ. Мустақиллигимизнинг тарихан қисқа даврида барча соҳалар қатори журналистика соҳасида, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Хусусан, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», шунингдек, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги каби қонунларнинг қабул қилиниши ахборот соҳасини, оммавий ахборот воситалари фаолиятини жадал ва изчил ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этди.***



# ХОЛИСЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК

## журналистиканинг асосий мезони

Оммавий ахборот воситалари умуминсоний ғояларнинг эркин минбари бўлишга интилаётган бир пайтда соҳа ходимлари ўз зиммасидаги вазифани нечоғлик адо этишаяпти? Яратилган имконият ва шарт-шароитлардан фойдаланиш кўлами қай даражада? Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси **Арслон Эшмуродов** билан суҳбатимиз ана шу масалалар хусусида бўлди.

***— Бугунги глобаллашув жараёнида ахборот ҳал этувчи аҳамият касб этмоқда. Табиийки, бундай вазиятда оммавий ахборот воситалари ва журналистлар зиммасига жиддий вазифалар юклатилади. Ушбу вазифани адо этиш учун қандай омилларга эътибор қаратмоқ лозим?***

— Дарҳақиқат, XXI аср бўсағасида жаҳон аҳли бир муаммога дуч келди. Фан-техниканинг ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг беқиёс даражада тараққий этиши ахборот алмашинув жараёнларини тезлаштириб юборди. Энди дунёнинг бир нуқтасидан иккинчи нуқтасига маълумот етказиш кўп вақт талаб қилмайди. Бу — тараққиёт! Аммо ижтимоий ҳаётимизга кириб келадиган ҳар бир ижобий нарса ўз ортидан бир қатор салбий оқибатларни ҳам етаклаб келиши табиий ҳол. Бунга тайёр туриш керак. Ахборот майдонида учта манфаат тўқнашди: ахборотни ишлаб чиқарувчилар, уни тарқатувчилар ва истеъмолчилар. Ахборотни тарқатиш соҳасида қўлга киритилган тезкорлик имконияти, турган гапки, уни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга ҳам таъсир этмай қолмайди. ОАВга талаб ўзгарди...

Халқимизда «Қозонда бори чўмичга чиқади» деган ажойиб нақл бор. «Афтинг қийшиқ бўлса, кўзгудан ўпкалама» ҳам дейишади. Лекин манфаат юзасидан одамнинг афтини атайин қийшиқ қилиб кўрсатадиган кўзгулар борлигини, чўмич қўлида бўлган одам ғараздан қозондаги бор нарсани яшириши мумкинлигини ҳам тан олишимиз керак. Худди мана шундай сифатлар матбуотга ҳам тааллуқли. «Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик жамоатчилик фикрининг ҳолатига етарли даражада боғлиқ бўлиб, уни шакллантиришда... оммавий ахборот воситаларига муҳим ўрин берилади», — деб таъкидлаган эди Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида.

Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кўзгуси, жамоатчилик фикрини ифода этиш воситаси сифатида воқеликни холисона ёритишга, ўз истеъмолчисига тўғри ва ҳаққоний маълумот беришга бурчли. Аммо бунда ҳам юқоридаги сингари нохолис муносабат учраб туради. Демак, ҳар учала ҳолатда ҳам инсон омили бирламчи: яъни қозон ёки кўзгунинг моҳияти унинг бошида турган кишининг муносабати орқали намоён бўлади.

***— Манфаатлар тўқнаш келган ана шундай мураккаб бир даврда ўзбек журналистларининг фаолияти сизни қониқтирадими?***

— Журналист — ижоднинг энг жанговар ва пешқадам соҳаси бўлмиш публицистика вакилидир. Ҳар қайси даврда жамиятдаги энг долзарб муаммолар, баҳс ва мунозарага сабаб бўлувчи масалалар уларнинг меҳнати билан умумхалқ муҳокамасига кўтарилган. Бунда масаланинг долзарблиги бир тараф бўлса, ана шу мавзуни қандай усулда ёритиш ёки ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этиш иккинчи тараф бўлиб, бу журналистнинг маҳоратига боғлиқ. Бунда журналист этикаси деган қоида ҳам муҳим. Мустақиллик йиллари янги ўзбек журналистикаси вужудга келди. Унинг забардаст вакиллари етишиб бораяпти. Айрим ҳолларда долзарб масалалар юзасидан ташвишли бонг ураётганлар ҳам, халқимизнинг янги, хилма-хил ахборотга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириб келаётганлар ҳам шулар. Мен уларни номма-ном санамоқчи эмасман. Фақат айтиш мумкинки, халқимиз томонидан севиб ўқилаётган босма нашрлар, миллионлаб мухлисларига эга бўлган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар муваффақиятининг ўзи журналистларимизнинг ишларидан қониқиш ҳосил қилишга асос бўлади.

***— Журналистиканинг азалий талабларидан бири — бу журналистларнинг муайян йўналишга ихтисослашувидир. Мамлакатимизда бу соҳада бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Бироқ бу масала ҳали тугал ечимини топгани йўқ. Сизнингча, бу йўналишда яна қандай ишларни амалга ошириш лозим?***

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир ишда тадрижийлик бўлишини, юксалиш жараёнлари босқичма-босқич амалга ошиши лозимлигини бот-бот таъкидлайдилар. Журналистиканинг ихтисослашуви давр талаби. Ихтисослашув — яхши, лекин уни шошма-шошарлик билан жадаллаштириб бўлмайди. Бу тадбир устидан кучли мониторинг кузатуви ўрнатилиши, таҳлилий хулосалар чиқарилиши лозим. Ихтисослашган журналистнинг эртанги қиёфаси, хулқ-атвори ҳақида етарли маълумотга ҳозирданоқ эга бўлишимиз керак. Аросатда қолишдан ёмони йўқ.

(Давоми 2-бетда)





Радио ахборотга бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ниҳоятда қулай воситадир. Дунёда ва юртимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишда ҳамиша унинг кўмагидан фойдаланамиз. Чунки энг тезкор янгиликларни ҳаво мавжлари орқали тинглаймиз. Бунда юртимиз радиожурналистларининг фидокорона меҳнатини алоҳида таъкидлаш мумкин. Жойлардан эшиттириш тайёрлашдан тортиб уни эфирга узатишгача бўлган жараёндаги заҳматлар улар елкасида.



**Суратларда: овоз ёзиб олувчи Умида Тошпўлатова; «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион-таҳлилий эшиттиришлар муҳарририяти жамоаси; Абдувоҳид Очилов ва Обида Мирзақулова «Универсиада-2007» кундалигини тайёрлаш жараёнида; «Ishonch» газетаси ходимлари.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**

***Пойтахтимиздаги муҳташам спорт мажмуалари ва стадионларида ташкил этилган «Универсиада-2007» баҳслари ўз якунига етди.***

***Хўш, ёшлик ва спорт байрами, кичик Олимпиада таърифларига муносиб топилган Универсиадада ким нимага эришди?***

***Натижаларга тўхталишдан олдин спортчи ва мутахассисларнинг бу борадаги фикрларига қулоқ тутамиз.***



# ЁШЛАР БАҲСЛАРИДА ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**Оллоёр Казаков, волейбол бўйича Қорақалпоғистон эркаклар терма жамоаси бош мураббийи:**

— Самарқанддаги Универсиадада 2-ўриндан жой олган эдик. Шу боисдан Тошкентга юқори кайфиятда ташриф буюрдик. Аввалги таркибдан беш нафари бугунги жамоада ҳам ўйнагач, бошқача бўлиши мумкинми, ахир.

***— Умуман, волейбол баҳслари савияси ҳақида нима дея оласиз?***

— «Бухоро-2002» Универсиадасида ғолиблик учун асосий кураш 3-4 та жамоа ўртасида кечган бўлса, Самарқандда 6 та, бу гал эса 7-8 жамоа ўйинларида тенг курашлар кузатилмоқда. Масалан, пойтахтликлар, Наманган, Навоий, Фарғона, Андижон, Самарқанд терма жамоалари шулар жумласидандир.

Яна шуни таъкидлашим керакки, Қорақалпоғистон аёллар волейбол терма жамоасини укам Озод Казаков мусобақаларга тайёрлади ва ушбу жамоа ҳаммани лол қолдириб, «Универсиада-2007» баҳсларида олтин медалга эришди.

Қувончли томони, «Универсиада-2007» баҳсларида бизнинг Казаковлар оиламиздан беш нафари иштирок этмоқда. Юқорида ўзим ва укамни айтиб ўтдим. Шунингдек, ўғлим Баҳром Казаков волейбол бўйича қизларга ҳакамлик қилди. Яна бир фарзандим Рустам қорақалпоқ шахматчиларига мураббийлик қилган бўлса, Озоднинг ўғли Ойбек футбол баҳсларида иштирок этди. Бу спорт тадбирлари ҳаётимизда ўчмас таассуротлар қолдиради.

«Универсиада-2007» спорт мусобақаларининг енгил атлетика ва қўл тўпи (эркаклар) баҳслари Тошкент тиббиёт Академияси ҳудудида қад кўтарган янги стадион ҳамда замонавий мажмуада ташкил этилди.



**Ҳамроқул Рафиев, Самарқанд Давлат университети мураббийи:**

— Тошкент шаҳрида енгил атлетика мусобақаларини ўтказадиган яна бир ажойиб спорт мажмуаси барпо этилганидан хурсандман.

Енгил атлетика бўйича Самарқанд терма жамоасининг натижаларига келсак, рози бўлишимиз мумкин. Биз спортчиларимиз Руслан Носиров ва Александра Котляровалардан иккитадан олтин медал кутгандик. Улар биттадан «олтин»ни ҳисобимизга қўшишди. Айниқса, вилоятларда барча спорт турлари қаторида енгил атлетиканинг ҳам анча ривожланаётганининг гувоҳи бўлдик. Масалан, Хоразм терма жамоасини олайлик. Улар сафида бир қатор совриндорларни кўрасиз. Яъни, 2003 йил Урганчда ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларидан кейин бу воҳада спорт турлари бўйича сезиларли ўсишни кузатдик.

***— Спорт, спорт мажмуалари ва спортчи. Улар уйғун равишда ўсаётганини айтиб ўтдингиз. Тажрибали мутахассис сифатида яна нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?***

— Мана, уч босқичли спорт мусобақалари туфайли мамлакатимизда қанчадан-қанча мажмуалар қурилмоқда. Бу катта бойлигимиз. Энди бу базалардан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кўришимиз керак. Шунингдек, юртимизда спортга берилаётган эътибор сабаб болалар ва ёшлар ўртасида спортнинг барча турларига қизиқиш тубдан ошган. Бу эса ютуғимиз, заҳирамиз. Аммо бу заҳирадан ҳам тўлиқ фойдалана олмаяпмиз. Яъни, бу борада мутахассислар масаласи жиддий кўндаланг бўляпти. Масаланинг ечими эса катта мавзу...

(Давоми 6-бетда)

### Мухбирлар гуруҳи иш бошлади

# 800 МИЛЛИОН СЎМЛИК ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

Мамлакатимиз саноат гигантларидан ҳисобланган Муборак газни қайта ишлаш заводида «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти.

Жамоа ҳиммати билан Муборак туманида яшовчи ногиронларга 12 та ногиронлик аравачаси олиб берилди. Яккабоғ туманидаги «Саховат» уйига 1 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Спорт зали қурилишига завод ҳисобидан 106 миллион, Китоб туманидаги «Меҳрибонлик уйи»ни таъмирлаш учун 269 миллион 686 минг сўм маблағ сарфланди.

Корхона раҳбари, вилоят кенгаши депутати Ўктам Умаров Яккабоғ туманида яшовчи 10 нафар етим боланинг банкдаги омонат жамғармасига ўзининг акциясига чиққан девидентни ҳисобидан 1 миллион сўм ўтказиб берди.

Қисқа муддатда ёрдамга муҳтожларга 800 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

**Юсуф СИДДИҚОВ,**
**Муборак газни қайта ишлаш заводидаги «Ishonch» газетаси мухбирлар гуруҳи раҳбари**

### Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссияси фаолиятидан

# АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

***Сурхондарё вилоятида соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбатида 4 минг 332 нафар бола дам олдирилиб, бу борадаги режа ошириб бажарилди. Воҳадаги 11 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 1 минг 833 нафар, 69 та кундузги мактаболди ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари қошидаги соғломлаштириш майдончаларида 2 минг 499 нафар болалар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Оромгоҳларда маънавий-маърифий тадбирлар, бадиий ҳаваскорлик, спорт тўгаракларини ишлаб турибди.***

Болалар вақти-вақти билан тоғ ён бағирларига, тарихий жойларга саёҳатлар уюштирмоқдалар. Оромгоҳларнинг аксарияти зарур жиҳозлар билан таъминланган. Лекин, айрим ҳолатларда киши кўнглини хижил қиладиган воқеалар ҳам учраб турибди. Хусусан, Шеробод туманидаги «Нефтчи», «Бешбулоқ», «Сурхон — Шеробод» оромгоҳларига олиб борувчи йўлларни таъмирлаш анча кечикмоқда. Айрим оромгоҳларда электр энергияси таъминотида узилишларга йўл қўйилмоқда.

Вилоят ҳокимлигида Республика доимий комиссиясининг бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унга вилоят, туман ва шаҳар касаба уюшма ташкилотлари, болаларни ёзги соғломлаштириш билан боғлиқ мутасадди раҳбарлар таклиф этилди ва бу борадаги амалга оширилган ишлар, олдинда турган вазифалар атрофлича таҳлил қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари М. Содиқов қатнашди ва нутқ сўзлади.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади. Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54

# 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

## ХОЛИСЛИК ВА ТЕЗКОРЛИК

### журналистиканинг асосий мезони

(Боши 1-бетда)

***— Ҳаққонийлик, долзарблик, тезкорлик журналистика самарадорлигининг асосий мезони ҳисобланади. Шу маънода журналистларимиз ўз устида тинимсиз ишлаши, замон билан ҳамнафас бўлиши зарур. Бунинг учун уларга етарлича шарт-шароит ва имконият яратилган. Улардан ўзбек журналистлари қандай фойдаланаяпти? Бу борада қандай муаммолар бор?***

— Ҳозирда журналистларга қатор имтиёзлар берилгани бор гап. Бу эса оммавий ахборот воситалари олдига ҳам муайян талаб ва вазифаларни қўймоқда. Хусусан, ахборот тарқатувчи органлар қайси мавзуда қалам тебратса, унинг маъно ва моҳиятини кенг халқ оммасига етказиши, жамоатчилик фикрини пайдо қилиш учун матбуот саҳифалари, телевидение ва радиони ҳақиқий баҳс-мунозара майдонига айлантира олиши, шу билан бирга, имкон қадар аксарият аҳоли қатламининг ушбу муҳокамада иштирокини таъминлашга эришмоғи лозим. Бунинг учун эса эскича ифода услубларидан воз кечиш, хориж матбуотининг халқчиллик борасидаги илғор тажрибаларини кўр-кўрона кўчириш эмас, балки ижодий ўзлаштириш, энг асосийси, ўз фаолиятида ошкоралик, холислик ва адолат тамойилларини шиор қилиб олиши зарур.

Айни пайтда матбуот саҳифаларида, телерадио соҳасида ҳам тижорат-ташвиқот ишига катта ўрин бериб келинаётгани ҳаммага аён. Бу ахборот тарқатувчи ташкилотнинг моддий аҳволини яхшилаш баробарида, истеъмолчилар орасида унинг нуфузини бир қадар тушириб юбораётгани ҳам сир эмас. Тижорат саҳифаларидан воз кечилиши тарафдори эмасмиз. Аксинча, оммавий ахборот воситалари моддий манфаатлари билан истеъмолчи талаб-истакларини тарозида тенг тутиши, бунинг учун саҳифаларни қизиқарли, сермазмун материаллар билан бойитиб бориши даркор. Фикр-мулоҳазалар қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтираман. Одамлар орасида, сир эмаски, ўзи мансуб бўлган партиядан чиқиб, бошқасига аъзо бўлиш ҳоллари ҳам учрайди. Аъзосидан ажралган партия эса ўз нашри орқали бу сингари кишиларни эътиқодсизликда айблаб чиқиш қилади. Мана шу чиқишнинг ўзи жамиятда катта бир мунозарани, турфа қарашлар тўқнашувини вужудга келтириши мумкин эди. ОАВда демократик плюрализм кўникмаси йўқлиги туфайли ҳам бундай ҳол содир бўлмайди. Ваҳоланки, давра ва йиғинларда, якка тартибдаги суҳбат, мулоқотларда шу каби ҳолатлар кескин мунозара қилинади. Турли хил фикрлар билдирилади. Хусусан, «партия дин эмас, уни эътиқод даражасида идеаллаштириш тўғримикан?» ёки «... эътиқод эркин бўлиши керак, одамлар чиқиш имкони бўлмаган жойга кирмай қўя қоладилар», «... ҳар бир нарса моддий, ҳаттоки, фикр ҳам: эътиқодни кристаллаштириш фикрни ўсишдан тўхтатиб қўяди» қабилидаги ҳар хил қарашлар билдирилади. Аммо бу каби «оддий ҳақиқатлар» матбуотда ўз аксини топмайди.

***— Бугун юртимизда журналистларнинг манфаатлари, холис ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бир қатор қонунлар қабул қилинди. Яъни ҳамкасбларимизнинг эркин ижод қилишлари учун қонуний кафолат тизими яратилди. Хўш, улар ўз ҳуқуқларини қанчалик билади? Жамият олдидаги бурчларини қанчалик бажараяпти? Шу ҳақда фикр билдирсангиз.***

— Инсон ўзини идрок этиши учун маълум тартибга солинган меъёрларга риоя қилади. Бу меъёрлар қонун деб аталади. Қонунда ҳуқуқ билан бирга бурчлар ҳам ифодаланади. Ҳуқуқ ва бурч. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунча. Ҳуқуқини англаган киши, бурчини ҳам адо этишни тушуниши шарт.

Баъзан журналистларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги ҳақидаги гап-сўзлар қулоққа чалиниб қолади. Биргина мисол. Оммавий ахборот воситалари устидан цензура назоратининг расман бекор қилинганига ҳам анча вақт бўлди. Аммо цензура журналистларнинг онгини тарк этгани йўқ. Бундай салбий ҳолат, юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳақиқатдан ҳам соҳа ходимларининг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги, тегишли қонун ҳужжатлари билан таниш эмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Айрим боқиманда кайфиятдаги журналистларнинг ўз заифлигини яшириш учун ўйлаб топган важларини ҳам эшитиб қоламиз. Шу муносабатнинг ўзиёқ унинг нечоғлик сиёсий ғўр, бугунги ислоҳотлар жараёнидан бехабар эканини билдиради. Ахир қонунларни ҳаётга татбиқ этадиган, халққа етказадиган ўзимиз-ку? Қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чин маънодаги демократик централизм тамойили билан амалга оширилади. Яъни ҳар икки ҳолатда ҳам халқнинг фикри, хоҳиш-иродаси марказда умумлашади: бунда жамоатчилик фикри, қолаверса, уни уйғотувчи ва бағрида улғайтирувчи матбуот ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ана шу ҳақиқатни унутмаслик шарт.

***— Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тилакларингиз.***

— Журналистика — касб эмас, характер, деган эди таниқли мунаққидлардан бири. Касб йиллар давомида шаклланиб, мукаммаллашиб бораверади. Характер эса қисман бўлса-да, кишининг вужудида мавжуд бўлади, яъни томирида оқаётган қонида жўш уради. Характерида журналистикага эътиқоди, қизиқиши юксак бўлган қаламкашлар сони ортиб бораверсин. Қалами ўткир, қадами чақноқ, нигоҳи теран ижодкорлар ҳамиша халқ хизматида бўлиб, ардоқланаверсин.

**Суҳбатдош:**
**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

---

***Аввалги ҳафта Қашқадарё вилоятида «Ishonch» кунлари ўтказилганидан хабарингиз бор, албатта. Ўшанда «Мубораккнефтгаз» унитар шўъба корхонасида бўлиб ўтган учрашувда газетхонлардан бири сўз орасида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни остида бериладиган савол-жавоблар унга маъқул экани, айниқса, ҳуқуқшунос Карим Мухторовнинг чиқишлари ўзига хослиги билан ажралиб туришини гапириб қолди.***

## Академик шоирга шеър ўқиб берган



Бир нарсага бир нарса туртки беради, деганлари шу бўлса керак-да. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган саҳифани режалаштириш чоғида муборакли муштарийнинг сўзлари яна ёдимизга тушди.

— Орқаваротдан ўзинг ҳақингда эшитган ёмон гапларга балки қўл силтаб қўя қолиш мумкиндир, — деди Карим ака муддаомизни билгач. — Аммо яхши гаплардан юрак бир жунбушга келмай иложи йўқ. Яхши гап барибир яхши-да.

Суҳбатимиз шу тариқа қўр олди.

***— Карим ака, касб-коримиз ўта тезкорликни, айни вақтда воқеа-ҳодисаларни холис ва нишонни аниқ олган ҳолда баён қилишни тақозо этади. Ўзимиздан ҳам, бошқалардан ҳам шуни талаб қиламиз. Баъзан таҳририга зўр беришимиз ҳам шундан. Аммо сиз ёзган савол-жавобларга қалам теккизиш қийин. Бу кўникмани қаерда эгаллагансиз?***

— Жуда мақтаб юбордингиз, — Карим ака мийиғида кулиб қўяди. — Агар саволингизни жиддий қабул қиладиган бўлсам, болалигимдан бадиият жону дилим. Умуман, мен таҳсил олган Юнусободдаги 24-мактабда адабий ҳаётга эҳтиром ўзгача эди. Драмтўгарак дейсизми, учрашувлар дейсизми, ҳаммасидан бир чимдим-бир чимдим озуқа олардик. Маҳалламизда яшайдиган, Радиоқўмитада ишлайдиган шоир, атоқли журналист Маъруф Қориев тез-тез мактабимизга ташриф буюриб, бизга ўхшаган ёш қаламкашларга йўл-йўриқ бериб турарди.

***— Демак, шеър ёзишни ўша пайтларда бошлаб юборган экансиз-да?***

— Шунақа деса ҳам бўлади. Бир куни десангиз, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалигининг клубида кимсан, академик шоир Ғафур Ғулом билан учрашув ўтказилди. Клубга сиғмай кўчада қолиб кетганлар қанча бўлди. Аммо биз ўқувчиларга марҳамат кўрсатишди. Ўшанда Ғафур аканинг далдаси билан машқларимдан бирини ўқиб берганим эсимда.

***— Лекин адабиёт бир четда қолиб юрист бўлиб кетдингиз...***

— Болаликда орзулар кураш майдонидаги полвонларга ўхшар экан. Қай бири зўр чиқса, ўшанисини шоҳсупага таклиф қилишади. Мактабни битиргач, темирйўл техникумида ҳам ўқиганман. Кейин ҳуқуқшунос бўлгим келиб қолди. Лекин ҳеч қачон шеъриятни унутмаганман.

***— «Ishonch»да бот-бот шеърларингиз чоп этиб турилади. Энг биринчи шеърингиз қачон газетада чиққани ёдингиздами?***

— Янглишмасам, 1960 йилда эди. Ўшандан бери баҳоли қудрат матбуотга аралашиб юраман.

***— Мавзуни кўпчилик томонидан эътироф этилаётган «Ҳуқуқий маслаҳатхона»га бурсак...***

— Биласизми, «Ishonch» ташкил топган ўша 1991 йил мартдан буён мазкур рукн остида мақолалар билан қатнашиб келаман. Бунда, табиийки, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашида юрист сифатида кўрсатиб келаётган фаолиятим, иш жараёнида учраган ҳар хил муаммоли масалалар ечими йўлидаги изланишлар ҳам қўл келаяпти, деб ўйлайман. Шундайки, ҳуқуқий саволларга жавоб ёзаётганимда беихтиёр кўз ўнгимда газетхонлар намоён бўлади. Айниқса, вилоятларга борганимда касаба уюшма ташкилотлари ва бошқа муассасаларда «Ishonch» газетасида чоп этилган «Саволларга жавоблар» алоҳида сақланиб, ундан ходимлар фойдаланаётганини кўриб, қувониб кетаман.

***Танишлар учратиб тутар сўроққа,***
***Очиғин айтинг-чи, қаерда хизмат?***
***«Ҳуқуқ» қўймадими солиб қийноққа,***
***«Ишонч»нинг ишқида ёнасиз фақат.***
***Йўқ, йўқ, иккиси ҳам бўлганда бирга***
***Қувончларим чексиз, завққа тўламан.***
***Хонадоним яна гуркираб нурга,***
***Ўтган ҳаётимдан мамнун қоламан.***

***— «Тонг» сарлавҳали шеърингиз таҳририят ғаладонида турибди. Юқоридаги сатрлардан кейин уни бироз тўхтатиб туришга тўғри келади, шекилли.***

Карим ака яна боягича мийиғида кулади.

— Шеърнинг иши осон. Бугун бўлмаса, эртага берса ҳам бўлаверади. Ҳозир менда шеърдан-да муҳимроқ бир илтимос бор. Фурсатдан фойдаланиб, барча қалам аҳлига ўз табригимни етказмоқчиман. Ёзаётганингизда ҳеч қачон қўлингиз қалтирамасин.

**Зайниддин РИХСИЕВ**

---

### Жамоатчи мухбирларимиз хабар қилади

## МУЗЕЙ ЮБИЛЕЙГА

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи муносабати билан қайта таъмирланган шаҳар тарихи музейи томошабинларни қабул қила бошлади. 4 та залдан иборат тарих музейи Марғилон қадимий даврда, Марғилон ўрта асрларда, Марғилон Қўқон хонлиги ва Совет тузуми даврида, Марғилон мустақиллик йилларида каби мавзулар бўйича жиҳозланган. Шаҳарнинг 2000 йиллик тарихини кенгроқ ёритиш ва узоқ ўтмишидан ҳикоя қилувчи кўргазмалар билан бойитиш мақсадида музейга Фанлар академияси қошидаги Ўзбекистон археология институти «Ўзбекмузей» жамғармаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Фарғона вилоят ўлкашунослик музейлари яқиндан ёрдам бердилар.

— Кўргазма залларида шаҳарнинг узоқ ўтмишини ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, экспонатлар, эсдаликлар, ёдгорликлар, топилмалар ва бошқа турли хил кўргазмалар бор, — дейди музей директори Ғанижон Алижонов. — Марғилонлик ҳунармандлар томонидан тайёрланган заргарлик, мисгарлик, кулолчилик, тўқувчилик, зардўзлик асарлари музейга ташриф буюрган томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шунингдек, бу ердан уй-рўзғор буюмлари, қўлда тўқиладиган атлас дастгоҳлари, чарх ва бошқа ашёлар ҳам жой олган. Бундан ташқари, музей ходимларининг ташаббуси билан жойларда кўчма кўргазмалар ташкил этилиб, меҳнат жамоалари ва ўқув масканларида намойиш этиш режалаштирилган.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**
**меҳнат фахрийси**



*Хайрулла Тўраев деганимизда кўз ўнгимизда қалби дарё, касбига меҳр қўйган фидойи инсон гавдаланади. 50 йиллик меҳнат фаолиятининг қарийб 45 йилини журналистикага бағишлаган камтар ва камсуқум инсон ўзининг кўплаб мақолалари билан республика газетхонлари қалбидан чуқур жой олган. Мақолаларининг ҳар бирида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги янгиликлар, ўзгаришлар ўз аксини топган.*

---

### Иккинчи истеъдод

## Тўртликлар

***Мансабга, бойликка етишса одам,***
***Кўзига ўзгача кўринар олам.***
***Омад ўткинчидир, қайтар дунё бу,***
***Афсус чекмасликни ўйла дамо-дам.***

* * *

***Манфаат кетидан қувмагил зинҳор,***
***Етсанг-да етмасанг, қилар сени хор.***
***Сабр ила топганинг тикан бўлса ҳам,***
***Ишон, ниш кирмагай, чекмайсан озор.***

* * *

***Дўстлик манфаатдан осмонча устун,***
***Дўст эмас дўст бўлса манфаат учун.***
***Инсофни унутган виждонсиз одам***
***Минг қасам ичмасин, ёлғон бус-бутун.***

* * *

***Бойликка ҳирс қўйиб, бўлсанг очофат,***
***Бошингга ёғилгай мислсиз кулфат.***
***Сендан бахтли одам йўқ эрур, дўстим,***
***Кўпга шукр қилсанг, озга қаноат.***

**Улуғбек ПЎЛАТОВ,**
**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси кенгаши етакчи мутахассиси**

---

### Қишлоқ врачлик пункти

## СОВУҚБУЛОҚНИНГ ЎЗ ШИФОХОНАСИ БОР

**Яккабоғ туманида Совуқбулоқ деган ажойиб қишлоқ бор. Боғлари, бир-биридан равон кўчалари киши завқини оширади. Энг асосийси, меҳр-оқибатли кишилар меҳнати билан ана шу чаманзор яратилган. Бу қишлоқда миришкор деҳқонлар қаторида шоиру мусаввирлар, фан докторлари, қўшиқчи-бастакорлар, кўплаб шифокорлар ҳам умргузаронлик қилишади. Одамлар саломатлигини муҳофазалашда ҳамиша камарбасталик қилиб келаётган Юсуфжон Раҳматов улардан бири. Кўпчилик уни «Раҳматжон дўхтир» дея алқайди.**

Ўн йил илгари умумий амалиёт дўхтири сифатида иш бошлаган Юсуфжон устозларидан андоза олишга ҳаракат қилди. Бир неча бор малака ошириш курсларида бўлди. Марказий шифохона бош дўхтири Ботир Жўраев айтганидек, унинг очиқ чеҳраси, ширин сўзи, хуш муомаласи беморга ҳар қандай доридан ҳам зўр таъсир қилиши эл орасида ҳурматини оширди.

Дастлаб Совуқбулоқ қишлоқ врачлик пунктида оддий дўхтир, 1999 йилдан буён эса шу пунктда мудир бўлиб ишламоқда. Тадбиркор шифокор саъй-ҳаракати билан эски пункт ўрнида замонавий бино қад ростлади. Эндиликда барча имкониятлар яратилган врачлик пункти марказдаги клиникалардан қолишмайди.

Ҳозир ана шу жойда 12 нафар тиббиёт мутахассислари ҳудуддаги салкам тўққиз минг нафар аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Пунктда лаборатория хонаси, ЭКГ, физиотерапик даволаш асбоблари ишлаб турибди. Ўтган даврда юқумли касалликларга қарши икки мингдан зиёд бола эмланди. Кундузги бўлимларда эса неча-неча киши даволаниб, соғлиғини тиклаб олди. Турли юқумли касалликларни бартараф этиш ва аҳолига намунали хизмат кўрсатиш ишларида Эътибор Йўлдошева, Нарзулла Бердиев, ўрта тиббиёт ходимларидан Замира Эшбобоева, Хосият Мустафоева, Жўрабек Норқобилов, Парда Ашуровларнинг беминнат хизмати катта бўлаяпти.

**Хайрулла ТЎРАЕВ**

---

***Таҳририятдан Анвар ака Шомақсудов ҳақида мақола тайёрлаб келиш ҳақидаги топшириқни олганимда, вужудимни аллақандай ёқимли бир ҳис чулғади. Чунки бундай зукко, кўпни кўрган, ҳаётий тажрибаси бой кишилар билан ҳар куни ҳам мулоқотда бўлиш насиб этавермайди-да. Устознинг хонадонларига қўнғироқ қилиб, учрашув вақтини келишдик. Уйларига етиб борганимда, узум сўриси тагида газета мутолаа қилиб ўтирган эканлар. Сўрашгач, уйга таклиф этдилар. Табиийки, очиқ инсон бўлганликлари туфайли суҳбатимиз тезда қовушиб кетди. Турмуш ўртоқлари Мастурахон аянинг сертакаллуфликларини айтмайсизми? Набиралари ҳам бир-биридан хушмуомала ва ширин.***

## «КАСБИМ МУХБИР – ҚАЛАМКАШ»

25 йилдан зиёд Ўзбекистон Миллий университетининг филология ҳамда журналистика факультетларида деканлик вазифасини ўтаган, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Анвар ака Шомақсудов табиатан камтар ва камсуқум. У 1925 йилда Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Мактабни 1942 йили тугатгач, 1943 йили 17 ёшдан салгина ўтиб-ўтмай, ҳарбий хизматга жўнади. Кўплаб тенгдошлари қаторида иккинчи жаҳон урушининг суронли жангларида қатнашди. Жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланди. Тўғри, у кунларни эслаш устоз учун оғир. Уруш тугагандан сўнг даволаниб, она шаҳри Тошкентга қайтди. 1947-1952 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультетида ўқиб, уни имтиёзли диплом билан тугаллади. Анвар Шомақсудовнинг бундан кейинги ярим асрлик ҳаёти қадрдон университет бағрида кечди. Дастлаб аспирант бўлди, номзодлик диссертациясини ёқлади. Кейинчалик катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида самарали фаолият кўрсатди.

Университетнинг журналистика факультетига раҳбарлик қилганида ундаги ташкилотчилик қобилияти ёрқин намоён бўлди. Талабаларни ўқитиш, уларга тарбия бериш, илмий-услубий ишларни йўлга қўйиш, жамоани олий мақсад сари йўналтириш хислатлари рўйи рост намоён бўлди.

Устоз холис ниятининг амалга ошишида ҳамкасб дўстлари — Тўғон Эрназаров, Фатҳиддин Насриддинов, Тоҳир Пидаев, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сайфиддиновлар ҳамиша унга елкадош бўлишди. А.Шомақсудов республика оммавий ахборот воситалари, турдош факультет ва кафедралар билан мустаҳкам алоқа ўрнатди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бу борада домланинг талабалар билан тил топишиш фазилати ниҳоятда қўл келди. Бу ҳақда тарих фанлари номзоди, доцент, журналистика факультетининг декани Қудрат Эрназаров шундай ҳикоя қилади:

### Устоз хонадонида

— Анвар Шомақсудов ўқитувчи-профессорлар ҳамда талабалар ўртасида ҳалол-поклиги, бағрикенглиги билан катта ҳурмат қозонганди. Ҳеч бир талаба дилидагини ундан яширмасди. Домла кимни алқаш, кимга дашном беришни яхши биларди. Унинг билими, бой ҳаётий тажрибаси етук мутахассислар тайёрлашда ниҳоятда асқотди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика ва филология факультетларини тамомлаб, турли вилоятларда меҳнат қилаётган журналистлар Анвар ака номини ҳурмат билан тилга олишади. Чунки журналистика факультетида услубият ва таҳрир кафедрасининг ташкил топиши, унинг кейинги фаолияти ҳам домланинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Устознинг «Ўзбек тили стилистикаси» ўқув дастурлари, қўлланмалари, дарсликлари ҳамда юзга яқин илмий мақолалари ҳам фикримизга исбот бўла олади.

Анвар аканинг илмий фаолиятидаги иккинчи йўналиш ўзбек матбуоти тилини ўрганишга бағишланган тадқиқотлардир.

Домла ўз шогирдларининг мақолаларини матбуот саҳифаларида ўқиб, радиодан эшитиб, телевизордан кўриб ниҳоятда хушнуд бўладилар. Илҳом келиб қолса, шеър ҳам машқ қиладилар.

*Касбим мухбир – қаламкаш,*
*тўрт ҳокимият мақомим бор,*
*Она тилим бўлиб дастур,*
*пур хосият каломим бор,*
*Мадҳ этиб Ҳурликни, дўстга*
*дўст, ёвга интиқомим бор,*
*Не бахт, Эл деб ёниб яшар,*
*ёш мухбирида давомим бор.*



Архив

Суратда: Анвар Шомақсудов ҳамкасблари (ўндан чапга) Сиддиқ Фузаилов, Озод Шарофуддинов, Шавкат Ўразаев, Отабой Содиқов, Саида Нарзуллаевалар даврасида

**Неъмат РАФИҚОВ**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ВАКИЛЛИГИ

## Республикамиз оммавий ахборот воситалари ходимларини анъанавий байрамлари билан самимий табриклайди

*Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш жараёнида фаол қатнашаётган қалам аҳлига соғлик-саломатлик, оилавий фаровонлик, ижодий муваффақиятлар тилайди.*

**Ҳақиқатгўйлик, холисона фикр, миллий истиқлол мафкураси ва ғояларига садоқат қалбингизни ҳеч вақт тарк этмасин!**

## Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши

**Мамлакатимизнинг барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди. Уларнинг оилаларига файзу баракат, ижодий ишларига баркамоллик тилайди.**



## БУХОРО ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ

*«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ходимларини, барча журналистларни яқинлашиб келаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан қутлайди.*

**Жамиятимизнинг истиқболи учун курашаётган қалам аҳлига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ижодий баркамоллик тилайди!**

## Республика Акционерлик Тижорат банки «Ғаллабанк»

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари ходимларини ва барча матбуот аҳлини касб байрами билан қизғин табриклайди**

**Банк томонидан аҳолига ва мижозларга қулай шартлар асосида қуйидаги замонавий банк хизматларини кўрсатиш амалга оширилмоқда**

**Истеъмол кредити қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

- аудиотехника, видеотехника, радио-электрон ва компьютер жиҳозлари сотиб олиш;
- маиший техникалар (музлатгич, совутгич, кир ювиш машинаси, чанг ютгич ва ҳ.к.) сотиб олиш;
- мебеллар, интерьер буюмлари, спорт ва сантехника жиҳозлари, уй-жойни таъмирлаш билан боғлиқ харажатлар учун;
- тўлов-контракт асосидаги таълим муаассаларида ўқиш учун;
- даволаниш учун (жумладан, дам олиш уйлари ва санаторияларга йўлланма сотиб олишга).

**Микрокредит қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

- минитехнологиялар харид қилиш;
- ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва кенгайтириш, шу жумладан, уруғлик, чорва моллари, ёш ҳайвонлар, парранда, ем-хашак ва омухта ем, ветеринария препаратлари, ўсимликларни ҳимоя ҳилишнинг кимёвий воситалари, маъданли ўғитларни харид қилиш;
- хом ашё ва материалларга бирламчи ишлов бериш;
- меҳнат воситалари, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат буюмлари ишлаб чиқариш;
- ҳунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик меҳнатини ташкил қилиш;
- маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш.

**Истеъмол кредити**



**Ипотека кредити қуйидаги мақсадлар учун ажратилади:**

— якка тартибдаги уй-жой қуриш;
— якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш;
— якка тартибдаги уй-жойни ва кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун.

**Микрокредит**





**Ипотека кредити**



**Қўшимча маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин: 136-15-01 133-42-95**

**«Ғаллабанк» хизматларидан фойдаланинг ва муаммоларингизни ҳал қилинг!**
**«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!**

## Жиззах вилоят Молия бошқармаси жамоаси

**Мамлакатимиздаги барча қалам аҳлини 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан**

**муборакбод этади**

**Барчангизга эзгулик йўлида сабот ва матонат, ғайрат, оилавий соғлик-саломатлик тилайди.**

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ўз аҳолисини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш йўлини танлади. 90-йилларнинг охиридаги собиқ империянинг пароканда бўлиши, энг аввало унда яшовчи аҳолининг ижтимоий ҳолатини жуда ҳам танг аҳволга олиб келди. Дўкон пештахталари мутлақо бўшаб қолган, корхоналарда ишлар тўхтаган, ишсизлик, пенсия ва нафақалар берилмаган, маошлар бир неча ойлаб тўланмаган, жиноятчилик авж олган давлат халқининг яшаш даражасини, ҳаётини тассавур қилиш қийин эмас. Бундай танглик ҳолати ўз-ўзидан қонунларни менсимаслик, унга итоат этмаслик жиноятчиликнинг кўпайишини келтириб чиқарар эди.**

# Ижтимоий ҳимоянинг қонуний асослари

Шундай ҳам қийин аҳволда яшаётган фуқаролар босқинчилик, талончилик, ўғирлик каби жараёнлардан ҳам азият чекишлари ошиб тушаётган эди. Халқи ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий танг аҳволда яшаётган давлатнинг тақдири, шубҳасиз, барбод бўлишга маҳкум эди. Шундай ҳам бўлди.

Аҳолиси ижтимоий ҳимояланмаган, иқтисодий ночор ҳолатда мустақилликка эришган давлатнинг нормал фаолият кўрсатиш даражасига олиб келиш, уни ривожланган давлатлар қаторига қўшишни орзу қилиш хом хаёлга ўхшар эди. Шундай аҳволга келиб қолган бошқа қўшни республикаларда фуқаролик урушлари бошланиб кетди, аҳолининг ижтимоий ҳимояси эмас, балки умуман яшашга бўлган ҳуқуқлари поймол қилиниб, кўплаб қонлар тўкилди. Биродаркушлик урушларида минглаб гуноҳсиз инсонлар, болалар, аёллар ва қариялар ўлдирилди. Ўзбекистон давлатини жар ёқасидан фақат шу вақтда Республика раҳбариятига келган И. Каримовнинг қатъий ва ишончли ҳаракатлари сақлаб қолди. Юртбошимиз давлатнинг асосий ва устувор сиёсатини аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, деб белгилади.

Тўғри танланган йўл ва сиёсат нафақат аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига, балки тинчлик, барқарорликнинг таъминланишига олиб келди.

Халқнинг бугунги фаровон ҳаёти айнан мустақилликнинг бошланғич давридаги оқилона ижтимоий сиёсат тўғри танланганлигининг мевасидир.

Республикамиз Президенти бу ҳақда 1993 йилдаёқ «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида «Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш энг устувор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қоидаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади» деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, бозор муносабатига ўтишнинг дастлабки босқичиданоқ турли ижтимоий ларзаларга йўл қўймайдиган ижтимоий ҳимоя механизмларини ишлаб чиқиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди.

Ишлаб чиқилган механизм туфайли аҳоли даромадларининг ва кундалик зарур истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади.

Ўзбекистон ҳукумати аҳоли учун зарур ижтимоий кафолатларни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаган ҳолда тезкор ижтимоий вазифалар дастурини белгилади. Бу дастур ижтимоий адолат, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари учун кафолатланган ҳуқуқлар, сифатли тиббий хизмат, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича самарали тадбирларни амалга ошириш, билим олишда барчага тенг ҳуқуқ яратиш, касб танлаш, турли ижод учун шарт-шароит яратиш, интеллектуал мулк ҳимояси каби тамойилларни амалга оширишни назарда тутади.

Ижтимоий-иқтисодий, маданий ва экологик вазифаларни ҳал этишни ўз зиммасига олган Ўзбекистон ривожланган ижтимоий инфратузилмага эга бўлган социал-ҳуқуқий давлатдир. Буни давлатнинг тарихан янги шакли, дейиш мумкин. Давлат эркинлик, хавфсизлик ва мулкдорликни нафақат кафолатлайди, балки тинчлик ва иқтисодий ўсишни таъминлайди, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ижтимоий кафолатлар яратади. Бу эса жамият аъзоларининг аксариятига ўз фаоллиги туфайли фаровонликка эришиш имконини вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, одамларнинг меҳнати ва соғлиғи ҳимоя қилинади, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам даражаси кафолатланган, оила, оналик, оталик ва болаликни, ногирон ва кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш таъминланган, ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсиялари, ёрдам пуллари ва бошқа ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган.

Конституциянинг 39-моддасида «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга»лиги акс этган.

Ўзбекистон Республикаси «Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги, «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Республика Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорлари каби ҳуқуқий ҳужжатлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябр кунидаги «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизматни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори бугунги кунда кам таъминланган табақалар ҳимояси йўлида хизмат қилмоқда.

Маълумки, қабул қилинган ҳар қандай мукаммал қонун ҳам ижро этилмаса, ижроси назорат қилинмаса, самараси бўлмайди. Прокуратура органлари ўз фаолиятларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, аҳоли ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар ижросини ҳам назорат қиладилар. Шунга кўра бу қонунлар прокурорларнинг доимий эътиборида бўлиб келаяпти. Ногиронлар нафақаси, пенсиялар, ойлик маошлар ва бошқа ижтимоий ёрдамлар ва тўловларнинг ўз вақтида берилиши албатта бугунги кунда долзарб масаладир.

Шу даврда прокурорлар томонидан фуқароларнинг моддий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларни ундириш юзасидан судларга кўплаб даъволар киритилмоқда ва етказилган зарарларни ихтиёрий равишда ундириш чораларини кўрмоқдалар.

Ижтимоий соҳага бюджетдан, яъни нафақа, кам таъминланган оилаларга ёрдам ва бошқа соҳаларга алоҳида маблағлар ажратилди. Хусусан, 2003 йилда аҳолининг ижтимоий соҳадаги харажатлари 912,6 млрд, ижтимоий ҳимоя ва турмуш фаровонлигини ошириш тадбирлари эса 183,2 млрд. сўмни ташкил этиб, жами бюджет харажатларининг 46,1 фоизини ташкил этди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва таъминотига бюджетдан ажратиладиган маблағлар шу тариқа йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2006 йилда бу харажатларга бюджетнинг 51 фоизи сарф этилди. Масалан, ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида фақат дастурга асосан аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун жами 284 млрд. сўм миқдорида маблағ сарф қилинди. 2007 йил давлат бюджетининг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий харажатлари 54,1 фоиз этиб тасдиқланди.

Булардан кўринадики, аҳолининг ижтимоий шароитини яхшилаш давлат томонидан муҳим масала, деб белгиланган. Айрим давлатларда эса қурол сотиб олиш, армияни қуроллантириш, бошқа давлатларда «демократия ўрнатиш» учун ўз давлатлари конгрессидан пул ажратишни сўраб мурожаат қилмоқдалар ва бунга эришмоқдалар ҳам.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Ўзбекистон давлатининг фуқароларнинг яхши яшаши, унинг ижтимоий шароитини юксак даражага кўтариш, тинч ва осойишта турмуш кечириши йўлидаги саъй-ҳаракати ҳам қонун, ҳам жамият талабларига, ҳар бир инсон манфаатларига мос келади.

**Ф.РАҲИМОВ,**
**юридик фанлари доктори**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда ижтимоий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «Биринчи навбатда ҳал қилувчи асосий вазифа — бу иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат» дейилган.**

# Тадбиркорларга енгиллик

Республика Президентининг 2005 йил 24 июндан «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига қатор енгиллик ва имкониятлар берилди.

Жумладан, тадбиркорлик субъекти томонидан ортиқча тўланган суммаларга тенг бўлган қарздорлик суммасига пеня ҳисоблаб чиқарилмайди. Агар улар томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан, маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан, пеня тўлаган тадбиркорлик субъектларига молиявий чоралар қўлланилмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 135-моддаси тўлиқ ўзгартирилди.

Бироқ солиқ тўловчилар ушбу ўзгартиришларнинг асл моҳиятини тўлиқ англаб етганларича йўқ. Улар томонидан йўл қўйилаётган хатоликлар қонун ҳужжатларини етарли даражада билмаслик, бухгалтерия ҳисобини тўлиқ юритмаслик, тақдим этаётган ҳисоботларда йўл қўйилаётган шошма-шошарлик оқибатида келиб чиқади.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жалб қилинган текширувчилар бухгалтерия ҳисоби юритилган, юритилмаганидан қатъи назар банк маълумотидан ҳамда солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган асоссиз ҳисоб варақалар асосида фойдаланиб, катта миқдордаги қўшимча тўловлар ҳисоблайдилар. Бу эса сунъий равишда боқимандалар ҳосил бўлишига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддаси 1-қисмининг 4-бандига асосан бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки уни белгиланган тартибини ҳисоблаб чиқарилиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмайдиган даражада бузиб юритганлиги учун, солиқ тўловчи юридик шахсдан айланма сумманинг 1 фоизи миқдорида жарима ундирилади.

Нурота туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2007 йил биринчи ярим йилликнинг дастлабки 4 ойида 45 та тадбиркорлик субъекти текширилиб, 36 та қонунбузарлик ҳолати аниқланган бўлса, шундан 15 та тадбиркорлик субъекти етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаб бергани учун молиявий жазо чораларидан озод қилинди. Ҳуқуқбузарлардан айланма сумманинг 1 фоизи миқдорида жарима ундириш ва бухгалтерия ҳисобини қайта тиклатиш тўғрисида Навоий вилоят хўжалик судига киритилган даво аризаси қаноатлантирилди. Шундай қилиб, 17 та тадбиркорлик субъектини ночор аҳволга тушиб қолишининг олди олинди.

Ваҳоланки, иқтисодиётимиз ривожи учун устувор аҳамиятга эга кичик бизнес субъектларини ривожлантириш ҳамда имкон қадар кенгайтириш давр талаби ҳисобланади. Шундай экан, камчиликларнинг олдини олиш, уларни ихтиёрий равишда тадбиркорлар томонидан бартараф этиш кўникмасини ҳосил қилиш биз солиқчиларнинг бош мақсади бўлмоғи керак.

**Н. БЎРОНОВ,**
**Нурота туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

## 26 июн — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни

# Манзилига етмаган «юк»

Оғирнинг остидан, енгилнинг устидан юриб ўрганган кишининг бир иш бошини тутиши қийин. Айниқса, жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишларни бажаришга бундай кишиларнинг асло тоқати чидамайди. Умарали ҳам шундайлар тоифасидан. Унинг бирор иш қилишга сира бўйни ёр бермайди. Осонгина бир иш топилса-ю, лекин даромади кўпроқ бўлса. Ана унда яйраб яшаш мумкин. Бу унинг ҳаётдаги ақидаси. Шу сабабли уйланиб икки фарзандли бўлибдики, бирор тайинли ишнинг бошини тутмаган. Аҳён-аҳёнда отасининг машинасида киракашлик қилиб пул топади. Қолган пайтда бекорчилик. Отаси ҳам насиҳат қилавериб чарчади. Зора мустақил яшаганда рўзғор аравасини тортиб кетса, деган умидда алоҳида уйга кўчириб қўйди. Барибир фойдаси бўлмади. Шундай бекор юрган кунларининг бирида Умарали ўзига ўхшаш ишёқмас Самар билан танишиб қолди. Бир кўрган таниш, икки кўрган қадрдон деганларидек, тезда у билан қил ўтмас оғайни бўлди. Кунларнинг бирида Самар эшикдан ҳовлиқиб кириб келиб:

— Оғайни, жуда ёғли иш чиқиб турибди. Агар бажарсак, мўмайгина даромад қиламиз, — деди.

— Қандай иш экан, ўзи осону пули катта. Жуда лоф билан гапирасан-да, — ишонқирамай қаради унга Умарали.

— Сал хавфли томонини ҳисобга олмаганда, хамирдан қил суғургандек битадиган иш. Битта мижознинг «юк»ини айтган жойига етказиш керак. Тамом.

— Нозик ишга ўхшайди. Қўй, керакмас, ортиқча бошоғриқ орттирмайлик, — деди Умарали.

— Э, қизиқ экансан-ку. Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, деган гапни эшитганмисан? Намунча юрагинг така-пука бўлади. Қўрқма, бир ўзинг бўлмайсан. Мен, яна бир таниш бўлади, холос. Машинангда постдан ўтказиб қўйсанг, бўлди. У ёғини ўзлари эплайди. Оз эмас, кўп эмас нақ 500 минг сўм-а. Ўйлаб кўр. Бекор ётсанг ким беради шунча пулни?

Хуллас, Самар Умаралини кўндирди. Улар эртаси куни эрталаб Умаралининг уйи олдида учрашадиган бўлдилар. Айтилган пайтда Умарали отасининг «Нексия»сини шай қилиб кутиб турди. Келишувга биноан Самар ва таниши ҳам етиб келишди. Нотаниш киши қўлидаги пакетни буклаб олд ўриндиқ остига жойлаштирди. Шундан сўнг йўлга тушдилар. Айби борнинг оёғи қалтирайди, деганларидек негадир Умаралининг ичини ит тирнар эди. Айниқса, узоқдан ДАН пости кўринганда, унинг пешонасидан тер чиқиб кетгандек бўлди. Парвона қанотини куйдиришини билса-да, ўзини чироққа ураверар экан. Худди парвонага ўхшаб била туриб, хавфли ишни бошлаганини тушунди-ю, аммо кеч бўлган эди. Машина текшириш учун тўхтатилганда, у бутунлай ўзини йўқотиб қўйди...

Умаралининг машинаси холислар иштирокида текширилганда, машинада 3,8 килограммдан ортиқ гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланди. Суд ҳукми билан узоқ муддат озодликдан маҳрум қилинган ҳар учала ҳамтовоқнинг йиллар суронида инсон учун энг азиз умр ўтиб кетиши, ортидан қолган фарзандларнинг ота меҳридан мосуво бўлиши кишини ўйга толдиради.

Агар уларнинг режаси бўйича иш амалга ошиб, гиёҳвандлик моддаси айтилган манзилга етиб борганида, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг гулдек ҳаёти хазон бўлиши тайин эди. Ахир гиёҳвандлик иллат, унинг ортидан келадиган фақат кўз ёши ва кулфат эканини ҳамма яхши билади-ку. Наҳотки, улар шу ҳақида ўйламади? Кўриб-билиб боши берк кўчага қадам қўйди? Вақтида фикр юритишганида, шу кўйга тушишмасмиди?

**Бобур ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори**

# Шайтон макрига учганмиш...

Қурбон иш таклиф қилиб келганда Норбек пулга зориққан эди. Ичиб келиб баъзан хотини билан жанжал қилиб туришини ҳисобга олмаса, оиласи тинч. Термиз туманидаги машина-трактор паркида оператор бўлиб ишлайди. Кейинги пайтларда ён-атрофдаги қўни-қўшнилар бойиб кетаётганини кўриб, юраги ғашланадиган бўлганди.

— Афғонистондан юк олиб ўтамиз, — деди унга Қурбон. — Яхшигина ҳақ оласан.

— Қандай юк ўзи? Наркотик эмасми ишқилиб?

— Наркотик бўлса-чи? Бир таваккал қиламиз. Килосига 5 минг кўкида тўлайдиган одамни кейин тополмайсан, дўстим.

— Йўқ. Бунақа ишга аралашмайман. Қўй, бошқаси билан келиш, — тихирлик қилди Норбек.

— Ўзинг биласан, бунақа пулга анқонинг уруғини жаҳаннамдан олиб чиқиб берадиган йигитлар кўп. Атрофдагиларга қара, ҳаммаси ўз-ўзидан бойиб кетишаётгани йўқ.

«Бир марта уриниб кўрсаммикан?» — деган гап кўнглидан ўтди Норбекнинг.

— Қанча юк олиб ўтиш керак?

— 50 килограмм.

— Розиман.

Наркотик моддалар контрабандаси учун аввал 14 йилга қамалиб, 2004 йили амнистия акти билан қамоқдан озод этилган Қурбон Аҳмедов унга режасини тушунтирди.

Қурбон 2006 йил 25 июн куни Термиздаги «Карпов» саноат моллари бозорида афғонистонлик Худойберди деган киши билан учрашиб, 6 август куни чегарадан катта миқдордаги наркотик моддаларни Ўзбекистонга олиб ўтиб, харидор топилгунча бирор жойда сақлаб туришга келишиб олганди.

Айтилган куни минглаб одамларнинг ҳаётини заҳарламоқчи бўлган икки оғуфурушлар 49 кг. опий ва 1 кг. героинни юртимизга олиб ўтишди. Аммо хавфсиз жойга олиб бориб яширишга улгурмай, чегарачиларимиз томонидан қўлга олиндилар.

Жиноят жазосиз қолмайди. Қурбон Аҳмедов суд томонидан қилмишига яраша жазосини олди.

— Шайтоннинг макрига учдим, — дейди суд залида унинг шериги Норбек Мамарасулов.

Бироқ улар чиндан ҳам қилмишларидан пушаймонми ёки яна эски касбини давом эттиришармикан? Буниси бизга маълум эмас...

**Марат ЖУМАМУРОТОВ,**
**Ўзбекистон Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

## ИШ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ
## ўқув-семинарнинг асосий мавзуси бўлди

Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талаблари, бошқа меъёрий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишига доир ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Асосий эътибор педагог ходимларнинг иш ва меҳнат таътиллари ҳақини ўз вақтида тўланишини таъминлашга қаратилди. Мазкур масала юзасидан таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Б.Умаров, вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Сафаров, вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси сектор мудири Р.Раҳимов, Марказий банк вилоят бош бошқармаси бош мутахассиси Ш.Жўраев, Давлат солиқ бошқармаси катта давлат солиқ инспектори Б.Зиёевларнинг маърузалари тингланди.

Ўқув-семинар якунида қатнашчилар саволларига жавоб олдилар.

**И.ХОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Мавзуга қайтиб

***«Ishonch» газетасининг шу йил 4 апрел сонида «Ўғри ким?» сарлавҳали мақола эълон қилинганди. Унда Қўшработ туманидаги айрим қишлоқларни электр энергияси билан таъминлашдаги узилишлар қаламга олинганди. Орадан икки ҳафта ўтгач, Қўшработ туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Баҳодир Усанов имзоси билан зардали хат олдик. Мактубдаги баъзи эътирозли жумлалар бизни яна мавзуга қайтишга ундади.***

# Ойни этак билан ёпиб бўладими?

Энг аввало ўша мактубдаги эътиборимизни тортган ўринларни айнан келтирамиз. «...1. Оқтепа, Навкат, Пангат, Қоратош фуқаролар йиғини ҳудудларида номаълум шахслар томонидан симёғочлар ўғирланганлиги тўғрисида кўрсатилган бўлса-да, бу факт бўйича электр тармоқлари корхонаси ва маъмурий идораларда шикоят, ариза рўйхатдан ўтмаган. Туманда бирон фуқарога на маъмурий, на жиноий иш қўзғатилмаган. Қолаверса, номлари кўрсатилган маҳаллаларда аҳолига электр энергияси узатиш бир лаҳза ҳам тўхтатилган эмас.

2. Қоратош, Уразмат, Қовунчи маҳаллаларига шу йилнинг январ ойида бир сутка мобайнида атиги 3 — 4 соат ток узатилганлиги тўғрисида ёзилган бўлса-да, мисол тариқасида Қоратош қишлоғини олганимизда 57 фуқаро 2616340 сўм қарздорлиги мавжуд. Тўғри, электр энергия сарфини камайтириш мақсадида республика бўйича, шу жумладан, Қўшработ туманида ҳам чеклов ўрнатилган. Бу эрта-индин тўловлар тўла изга тушиши билан барҳам топади...»

Раҳбарнинг айрим нарсаларни чалкаштириб юборганлиги бизда эътироз уйғотди. Биринчидан, мақолада симёғочлар ўғирланганлиги ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Балки сим ўғирланганлиги ҳақида гап борганди.

Хатда урғу берилган республикада жорий этилган чеклаш, унга биноан Қўшработда ҳам жорий этилганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бизни ҳайрон қолдирди. Бундан мутлақо бехабар эканмиз. Гарчанд Баҳодир Усанов бизга кўрсатишни истамаган ушбу Фармойишда Қўшработ туманидаги юқоридаги номлари келтирилган маҳаллалар учун 14-16 соатлаб токни узиб қўйиш белгиланганини билмабмиз. Унда «Ўзбекэнерго» ДАК масъулларидан бирининг депутатлар сўровига: «Бизда чеклаш йўқ, балки асбоб-ускуналар зўриқиши боис маълум фурсат узилишлар мавжуд» қабилидаги жавобини қандай изоҳлаймиз? «Истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида»ги Қонунда ҳам бундай қоидани учратмаймиз. Узоқ муддатли чекловларга қонуний тус берилган бўлса, биз Самарқанд вилоят электр тармоқлари корхонаси Қўшработ ТЭТ раҳбарлари, қолаверса, чеклов устига ўзининг қўшимча чекловини жорий этиб келаётган 2-Қўшработ подстанцияси навбатчи монтёрларидан минг бор узр сўраймиз.

Қоратош, Қовунчи маҳаллаларига электр энергияси узатаётган 2-Қўшработ подстанцияси монтёрлари ҳам аҳолини тез-тез «жазолаб» туради. Оддий бир мисол. Шу йилнинг қиши қаттиқ келди. Январ-март ойлари электр энергияси узатишда муаммолар пайдо бўлди.

— Январ, феврал, март ойларида электр энергияси таъминоти бир кун учун атиги 3-4 соат бўлди. Ана шу ойларда электр таъминоти корхонаси ходимлари тез-тез келиб турди, — дейди Қоратош маҳалласидаги Тентак қишлоғи оқсоқоли Ортиқ ака Раҳимов. — Улар қишлоқда қарздорлик катта, дея туриб оларди. Бир неча бор оддий дафтар қоғозига ёзилган рўйхат бўйича ҳаммани қарздорга чиқарганларига гувоҳман. Туман маркази олис. У билан ким суришарди. Узмасликнинг нима чораси бор, дея сўрардик. Улар биз узиб-ёққанимиз учун ҳақ оламиз. Бутун қишлоқ токсиз қолмасин, десаларинг 12 минг сўм тўплаб беринглар, дерди. На илож. Ана шу пайтда ҳар ой учун 12 минг сўмдан пул тўлаб турдик. Шундан сўнг Шомирза деган бир электрик келиб электр ҳисоблагичларни компьютерга улаяпмиз, деди. Ҳар бир хонадондан 1000 сўмдан унга йиғиб бердик. «Ўғри ким?» сарлавҳали мақола босилиб чиққач, электр энергияси ходимларининг бемаврид ташрифи барҳам топди. Аммо электр таъминоти аввалгидан ҳам ёмонлашди. Энг ачинарлиси, кераксиз пайт ток беришади.

Фуқаро Неъмат Раҳимов хонадонига ташриф буюрган нурчилар электр энергиясидан 450 минг сўм қарздорлиги мавжудлигини айтиб, тармоқдан узади. Хонадон соҳиби ҳайрон. Ҳужжатлар кўтарилса, Неъмат Раҳимов ҳали фойдаланмаган 450 киловатт электр энергияси учун ҳақ тўлаб қўйганлиги маълум бўлди.

— Туман маркази олис. Бориб-келишга бир кун кетади, — дейди у. — Қанча фурсат йўқотдим. Худди менга ўхшаб овора бўлаётганлар оз эмас. Билмадим, бу идорада ҳисоб-китоб борми ўзи?

Тозғора, Тувадоқ, Жарбулоқ қишлоқлари аҳолиси ҳам «нурчи»ларнинг бемаврид ташрифидан безиб қолишган.

Қоратош маҳалласига ҳукуматимиз миллион-миллион пул сарфлаб янги қишлоқ врачлик пункти қуриб берган. Чекка ҳудуд аҳолиси ҳамон ундан баҳра ололмай армонда. Чет эл валютасига олинган тиббий жиҳозлар ҳадемай занг босса керак. Негаки, электр йўқ. Кечки 19-20 лар атрофида узатилган токдан ҚВПга наф борми?

— Аҳоли саломатлиги муҳофазаси йўлида 20 километр масофа босиб келаман, — дейди ҚВП тиш шифокори Бахтиёр Муҳаммадиев. — Аммо бемор дардига ҳеч маҳал омбур малҳам бўлган эмас. Электр нурисиз фақат ана шу асбобни ишлатиш мумкин холос.

Ҳаммасидан ҳам мактаблардаги дарслар сифати ва самарадорлигини таъминлаш, мавжуд жиҳозлардан фойдаланиш имкони йўқ.

— Қовунчи қишлоғидаги мактабда компьютер бор, — дейди туман кенгаши депутати А.Азизов. — Ҳали бирор кун болалар ундан фойдаланганича йўқ. Мутгасил электр энергиясининг узатилмаслиги ёш авлод тафаккури юксалишига салбий таъсир қилмасмикан? Бизнинг фарзандларимиз ҳам замонавий техника билан тиллашишини истаймиз, ахир. Давлатимиз ёшларга шунчалик ғамхўрлик кўрсатаётган пайтда бу ҳолни қандай тушуниш мумкин?

ТЭТ бошлиғи хатида Чиноқ маҳалласида 6 та, Қоратош маҳалласида 7 та тегирмон мавжудлигини баён этиб мухбирни ёлғончиликда айблаган. ТЭТда бўлиб, мазкур ҳудудлардаги тегирмонлар билан қизиқдик. Биргина Чиноқ маҳалласида 20 га яқин, Қоратош маҳалласида 17 та тегирмон борлигини аниқладик. Ажабланасан киши, масъул идора раҳбари нимани исботламоқчи ўзи? Шошган ўрдак ҳам боши, ҳам думи билан шўнғийди қабилида иш тутишга ҳожат бормикан? Қоратош маҳалласида 57 нафар фуқаро қарздорлигига урғу берилади. Ваҳоланки, мазкур маҳаллада 390 та хонадон мавжуд. Таҳлиллар 330 тадан кўпроғи электр тармоқлари корхонасини қарздор қилиб қўйганлигини кўрсатди. Инсоф билан айтганда, шунча интизомли истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш адолатданми?

Биз Қўшработ ТЭТ мутасаддилари билан мулоқотлар чоғида электр энергияси узатишдаги нуқсонлар фақатгина уларга боғлиқ эмаслигини англадик. Исталган пайтда бутун туманни таъминотдан узиб қўяётганлар борлиги маълум бўлди. Тармоқдаги сўнгги ҳудуд аҳли арзидоди уларга етиб ҳам келмаскан. Мақола эълон қилинганига ҳам мана икки ойдан ошди. «Самарқанд электр тармоқлари» корхонаси мутасаддилари бу ҳолга қандай қараркан? Тармоқдаги тартибсизликлар қачон барҳам топади? Истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш фурсати келмадимикан?

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*(Боши 1-бетда)*

**Мурод Ҳожибоев, Наманган вилоят енгил атлетика терма жамоаси аъзоси:**

— 2003 йил Хоразмда ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида илк бор иштирок этгандим. 2005 йил Тошкент вилоятида ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларида 1500 ва 3000 метрга югуришда олтин медалларга эришдим. Бу гал эса 1500, 3000 метрга ва эстафета югуриш бўйича кумуш медалларга сазовор бўлдим. Йилдан-йилга мамлакатимизда ёшлар спортига катта эътибор берилаётгани биз спортчиларни янги зафарлар сари илҳомлантиради. Яъни, айтмоқчиманки, ҳаётимда уч босқичли спорт мусобақаларига профессионал мусобақалар ҳам уланиб кетди. Мана, яқинда ёзги биатлон бўйича Қирғизистоннинг Чўлпон Ота шаҳрида ўтадиган Осиё Кубогига жўнаймиз.



# ЁШЛАР БАҲСЛАРИДА ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**Ринат Тарзуманов, Тошкент шаҳар терма жамоаси аъзоси, енгил атлетика бўйича мусобақа ғолиби:**

— Универсиада ҳаётим дафтарига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган бўлди. Чунки биринчи мутахассислик учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида таҳсил олганимда 2002 ва 2004 йилги Универсиадаларда қатнашиб, найза улоқтириш бўйича олтин, ядро итқитишдан эса бронза медаллари насиб этганди.



Айни чоғда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида 1-босқич толибиман ва бу гал «найза»дан олтин, «ядро»дан кумуш медалларига лойиқ натижа қайд этдим. Менга мусобақа ўтаётган стадион жуда ёқди.

**— Спортдаги орзуларингиз...**

— 2008 йил Пекинда ўтадиган Олимпиадага йўлланма олиш ва у ерда муносиб қатнашиш учун тайёргарликка зўр берганмиз. Бизга билдирилаётган ишончларни юксак натижалар билан оқлашимиз керак.

Ёшлик ва спорт байрамида барча спорт турлари бўйича ғолиб ҳамда совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланишди. Спорт турлари бўйича 1-ўринни эгаллаган чемпионларга (230 нафар) велосипед, компьютер жамланмалари ва рангли телевизорлар тақдим этилди.

Гарчи, ғолиблик учун иштиёқ барчада кучли бўлсада, ғалаба кучлиларга насиб этди. Бу ҳақда қўл тўпи бўйича барча рақибларини йирик ҳисобларда мағлуб этган Тошкент аёллар терма жамоаси устози Шоислом Павлов шундай ҳикоя қилади:

— Майдонда ҳаракат қилаётган қизларнинг шиддати, жисмоний тайёргарлиги, ғалабага бўлган интилиши жуда юқори. Бироқ уларнинг тактик-техник тайёргарлиги унча кўнгилдагидек эмас.

***— Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?***

— Мураббийлар тайёргарликни маромига етказиши лозим. Масалан, қўл тўпи бўйича Тошкент аёллар терма жамоаси барча Универсиадаларда 1-ўринни олиб келяпти. Чунки Президентимизнинг «Универсиада — бу кичик Олимпиада», деган гаплари менинг юрагимдан чуқур жой олган. Шунинг учун биз янги Универсиадага тайёргарликка эртадан киришамиз...

***— Машғулотларни эртадан бошлаймиз, дедингиз. Сал ойдинлик киритиб ўтсангиз...***

— Бу йилги таркибимиз кейинги Универсиадада бутунлай янгиланади. Чунки кўпгина қизларимиз институтни тугатишмоқда. 2006-2007 ўқув йилида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида хотин-қизлар спортини ривожлантириш йўналиши бўйича 210 нафар қизни ўқишга қабул қилишганди. Шу қизлардан 8 нафарини танлаб олдим ва улар билан ишлаяпман. Барчаси маҳаллий қизлар. Улар шунингдек, келишувга кўра, ЎзМУ гандбол жамоаси таркибида мамлакат чемпионатида ўз маҳоратларини ошириб боришади.

**Шоҳида Ҳасанова, қўл тўпи бўйича «Универсиада-2007» кумуш медал совриндори:**

— Бу спортчи сифатида охирги Универсиадам. Ўзим Урганч Давлат университетида магистрантман. 2002 йил Бухорода қўл тўпи жамоамиз 8-, «Самарқанд-2004»да эса 5-ўриндан жой олганди. Бу йил фақат финалда тошкентликларга бой бердик. Энди мураббий сифатида қизларни Универсиада баҳсларига тайёрламоқчиман.

***Ўрол Ҳайитов, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти маънавий-ахлоқий-тарбиявий ишлар проректори:***

— Пойтахтимиз мезбонлик қилган «Универсиада-2007» спорт мусобақаларида институтнинг 47 нафар талабаси иштирок этди. Вилоятимизда спортга берилаётган эътиборнинг самараси ўлароқ, теннис бўйича Алексей Намозов, Сухроб Тоиров, шахматчи Умида Чоршанбиева, курашчи Нурулла Абдуллаев, дзюдочи Умид Жўраевлар ғолиб ва совриндор бўлишди.

Аслида эса бу баҳсларда дўстлик ғалаба қозонди.

Дарҳақиқат, ниҳоясига етган навбатдаги спорт мусобақалари мамлакат ёшларини Ўзбекистон ва Универсиада байроғи остида бирлаштирди. Ватан келажаги учун эзгу мақсадларни дилига туккан ёшларимизнинг камолидан ота-оналар дуода.

**Зоя Цой, кураш ва дзюдо бўйича Универсиада ғолиби, Сергей Цой (Самарқанд)нинг онаси:**

— Самарқанддан келиб, ўғлимнинг дзюдо баҳсларини кузатдим. Ҳар бир ота-онанинг фарзанди ғалабасидан боши осмонга етади. Ўғлимнинг болалигидан спортга бўлган қизиқиши юқори эди. Устозлари билан, сўнгра мустақил ҳолда шуғулланарди. Мана, бугун ғалабаларга эришмоқда. Тилагим, ўғлимнинг Олимпиадаларда қатнашишини кўриш. Сергейнинг Олимпиадада ҳам Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришига ишонаман!

24 июн куни пойтахтимиздаги «Ёшлик» стадионида «Универсиада-2007» спорт мусобақаларининг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Умумий медаллар тақсимотига кўра, биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри терма жамоасига Президент Ислом Каримовнинг «Универсиада-2007» қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва Президент совғаси «Дамас» автомашинаси топширилди. Мукофотни Президентнинг давлат маслаҳатчиси Темур Солиҳов топширди.

Иккинчи ўрин эгалари Наманган терма жамоасига диплом ва Президент совғаси «Дамас» автомашинасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов топширди.

Мусобақани умумякунда фахрли учинчи ўрин билан якунлаган Самарқанд терма жамоаси ҳам диплом ва «Дамас» автомашинаси билан тақдирланди. Мукофотни Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаххор Тўхтаев топширди.

Шунингдек, барча спорт турлари бўйича ўз маҳоратини намойиш этган спортчи-талабалар турли номинациялар бўйича тақдирландилар.



Ёшлик ва спорт байрами — Универсиада машъаласи ўчирилиб, мусобақа байроғи туширилди. Ўз навбатида таниқли эстрада хонандалари байрамга ўзгача файз киритишди.

Навбатдаги Универсиада мезбонлиги эса тантанали равишда Андижон вилоятига топширилди.

Хайр, Тошкент! Талабаларнинг қадрдон мусобақаси — Андижон Универсиадасида кўришгунча!

**Акмал АБДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**


IPOTEKA BANK

IPOTEKA BANK



«ШОДИЁНА-2» омонати

3 ойлик муддатга қабул қилиниб,

1-ой учун йиллик — 22%
2-ой учун йиллик — 23%
3-ой учун йиллик — 24% миқдорида даромад тўланади

Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 150-89-56
(8-371) 150-89-58

Сизнинг омонатингиз фукароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган

Хизматлар лицензияланган



Тошкент педиатрия тиббиёт институти 2007/2008 ўқув йилига қуйидаги бакалаврлик таълим йўналишлари бўйича қабул эълон қилади:



ПЕДИАТРИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

5720200 «Педиатрия иши» йўналиши
Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати — 7 йил.
**Ихтисоси — шифокор - умумий педиатр**

ТИББИЙ-ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

5140900 «Касбий таълим» йўналиши
Таълимнинг кундузги шаклида ўқиш муддати — 7 йил
**Ихтисоси — даволаш иши ўқитувчиси, умумий амалиёт шифокори.**

ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРА

**5720600 Олий ҳамширалик иши.**
Бўлимда ўқиш муддати — 3 йил.
**Ихтисоси — олий маълумотли ҳамшира**

Ҳужжатлар 2007 йил 20 июндан 20 июлгача қабул қилинади. «Олий маълумотли ҳамшира» йўналиши бўйича ижодий имтиҳон 2007 йил 23-24 июлда ўтказилади. «Педиатрия иши» ва «Касбий таълим» йўналишлари бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар 2007 йил 1 август куни биология, химия, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун —рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади. «Олий маълумотли ҳамшира» мутахассислиги бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар ижодий имтиҳондан ташқари 2007 йил 1 август куни биология, ўзбек тили ва адабиёти (рус гуруҳлари учун рус тили ва адабиёти) фанларидан тест синовлари ўтказилади.

Қабул комиссияси манзили: Тошкент ш., Ж.Обидова кўч, 223
Тел.: 63-17-44,162-33-17 Автобуслар: 19,115,129



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти

* Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» автомобилларини накд ва пул ўтказиш йўли билан, «ВАЗ» автомобилларини накд пулга сотишини маълум қилади.





* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51, 276-77-20.
Факс: (8-371) 276-97-40


Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашган МЧЖ «BAROQ» фирмасига берилган гувохнома, устави ҳамда таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**


«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Тарифлар бошқа газеталарга нисбатан анча арзон. Тел.: 153-03-90 моб.: 779-19-54



МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
O.K.U.F. F.T.U.U.

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова,
Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзоҳид Содиқов,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримқул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78

Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Ғ.Юсупов
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - Д.Раҳмонова

Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 21.15

Буюртма Г — 514

Тиражи: 16558

1 2 3 4 5